

Бугунги мураккаб шароитда юртимизда бошланган кенг қамровли ислохотлар, янги Ўзбекистонни барпо этиш сари ташлаётган дадил қадамларимизнинг бардавом бўлишини таъминлаш энг асосий вазифамиз бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан.

Парламент фаолияти:

2020 йил якунлари бўйича ЭНГ МУҲИМ НАТИЖАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган бу йилги Мурожаатномасини халқимиз катта қизиқиш билан кутиб олди. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасини қамраб олган мазкур дастурий ҳужжатда ҳозирги мураккаб шароитда халқимиз фаровонлигини янада ошириш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, мамлакат тараққиётини янги босқичга кўтаришга қаратилган муҳим тақлифлар ва ташаббуслар илгари сурилди. Ҳозирги кунда Мурожаатномада белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, вазирликлар, идоралар, жамоат

ташкilotлари, фуқаролик жамияти институтлари ўтган йилдаги фаолиятини сарҳисоб қилиб, истиқболдаги режаларини тузмоқда. Албатта, бу жараёнда мамлакатимиздаги қонун чиқарувчи орган — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, депутатлар корпуси четда тургани йўқ. Мухбиримизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон ИСМОИЛОВ билан суҳбати қуйи палатанинг ўтган йилдаги фаолияти, амалга оширилган ишлар ҳамда келгусидаги режалар хусусида бўлди.



Бизнинг интервью

— Нурдинжон Мўйдинхонович, парламент катта сиёсий воқелик — мамлакатимиз раҳбарининг бу йилги Олий Мажлисга Мурожаатномасини қандай қабул қилди?

— Мамлакатимиз парламенти Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ҳар бир Мурожаатномасини юксак эътибор ва улкан масъулият билан қабул қилиб, уни амалга оширишнинг барча босқичида самарали иштирок этиш учун бор имконияти ва салоҳиятини ишга солмоқда.

Навбатдаги Мурожаатномани ҳам юксак кўтаринчилик билан тингладик. Алоҳида қайд этиш жоизки, бугун Ўзбекистоннинг сиёсий тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳиятини тўлақонли тушуниш учун давлатимиз раҳбари томонидан жорий этилган ушбу муҳим янги таъкидлаш-дастурий институтнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

Ҳозирги вақтда Мурожаатнома жамиятимиздаги барча долзарб масала ва муаммоларни қамраб олган, шу билан бирга, мамлакатни ривожлантиришга, жамиятда барқарорликни таъминлашга хизмат қиладиган кенг кўламли вазифаларни кўзда тутувчи яхлит дастурий ҳужжатга айланди.

Биз айнан Президентимиз Мурожаатномалари орқали жамиятимизни жипслаштиришга, жамоатчиликнинг, фуқароларнинг хоҳиш-истакларини ҳисобга олишга эришиш йўлидаги муҳим қадамларни ташлашга муваффақ бўлдик.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бугунги кунга қадар Президентимиз томонидан йўлланган ҳар бир Мурожаатноманинг ҳар бир қоидаси, ушбу дастуриламал ҳужжат бўйича ишлаб чиқилган давлат дастурларининг ҳар бир тегишли банди парламентимиз томонидан тўлиқ бажариб келинмоқда.

Айни вақтда Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, қўмиталар ва комиссияларда Мурожаатномада белгиланган вазифалар атрофлича муҳокама қилинмоқда ва чуқур ўрганилмоқда. Унинг натижалари қуйи палатанинг 2021 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишларини белгилашда эътиборга олинади.

Мана, куни кеча Қонунчилик палатаси Кенгаши ййгилишида ушбу дастуриламал ҳужжатда илгари сурилган тақлифлар ва ташаббусларни амалиётга татбиқ этиш бўйича ўз олдимизга аниқ вазифаларни

қўйдик. Буларнинг барчасини амалга оширишда парламент халқимиз ишончини оқлайди.

— Қонунчилик палатасининг ўтган йилдаги фаолиятида асосий кўрсаткичлар нималардан иборат бўлди?

— Ўтган йили Қонунчилик палатаси янги таркиб билан, янгича форматда иш бошлади. Хабарингиз бор, 2019 йил 22 декабрь кунини бўлиб ўтган сайловлар натижасида Қонунчилик палатасига 150 нафар депутат сайланди. Шундан 48 нафарини ёки 32 фоизини хотин-қизлар, 9 нафарини ёки 6 фоизини ёшлар, 39 нафарини ёки 26 фоизини олдин ҳам қуйи палата депутаты бўлганлар ташкил этди.

Сайлов яқунларига кўра, қуйи палатада ЎзЛиДеП — 53 та, “Миллий тикланиш” ДП — 36 та, “Адолат” СДП — 24 та, ЎзХДП — 22 та, Экологик партия — 15 та депутатлик ўрнини эгаллади.

Ҳозир Қонунчилик палатасида 12 та сиёсий партия фракцияси, 12 та қўмита ҳамда 5 та комиссия фаолият кўрсатмоқда.

Яқунланган бир йиллик фаолиятимизга назар ташласак, бир ҳақиқат яққол намён бўлади. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 20 январдаги Қонунчилик палатаси биринчи ййгилишида, 21 январдаги

парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқларида, шунингдек, 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифа ва йўналишлар парламент фаолиятига замонавий ёндашув ҳамда мутлақо янгича маъно-мазмун олиб кирди, деб бемалол айта оламиз. Депутатлар ҳам қонун ижодкорлиги жараёнига киришиб, муҳим қонун лойиҳаларини муҳокама этиш, қабул қилишда фаоллик кўрсатдилар.

Ўз навбатида, қонун ижодкорлиги соҳасидаги ишларни бутунлай янгича ташкил этишга ҳаракат қилдик. Жумладан, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги фаоллиги ва масъулияти оширилди. Эндигилишда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинаётганда, қоида тариқасида, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти ёки унинг вакили маъруза билан чиқиши белгиланди. Натижада қонун лойиҳасининг биринчи ўқиш жараёнидаги муҳокамаси том маънода жонланди.

Қонун лойиҳаларининг халқро шартномаларга, Ўзбекистоннинг халқро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича тавсияларга мослигини ўрганиш амалиёти йўлга қўйилди.

Тўғридан-тўғри амал қиладиган, яъни ижро этилиши учун қонуности ҳужжати ишлаб чиқилишини талаб

этмайдиган қонунларни қабул қилишга эътибор қўйиштирилди.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йилда 149 та қонун лойиҳаси кўриб чиқилиб, шундан 62 таси алоҳида қонун сифатида, 49 таси эса 10 та қонунга бирлаштирилиб, жамлама қонунлар тариқасида қабул қилинди. Таққослаш учун айтсак, 2015 йилда бор-йўғи 60 та қонун лойиҳаси кўриб чиқилиб, 15 та алоҳида қонун ва 32 таси эса 4 та қонунга бирлаштирилиб, жамлама қонунлар тариқасида қабул қилинган ҳоло.

Қуйи палатада кўпгина қонун лойиҳалари бўйича конструктив баҳс-мунозара ва тортишувлар бўлиб ўтмоқда. Сайловчилар, шу жумладан, партия электорати манфаатлари ҳам эътиборга олинмоқда. Депутатларнинг қонунлар сифати, унинг концепциясига талаби ошмоқда. Биргина 2020 йилда 8 та қонун лойиҳаси рад этилди ва ташаббускор идорага қайтарилди. Ҳолбуки, 2016 йилда бор-йўғи битта қонун лойиҳаси қайтарилган. 12 та қонун лойиҳаси депутатлар ташаббуси билан киритилди. Айни пайтда депутатлар томонидан Ер кодекси, Экологик кодекс лойиҳалари ишлаб чиқилди.



«Халқ сўзи» учун махсус

Ўзбекистон ва Туркия ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришдан бирдек манфаатдор

Туркия ва Ўзбекистонни умумий тил ҳамда тарих, ўхшаш маданият ва анъаналарга асосланган яқин дўстлик ҳамда биродарлик ришталари бирлаштириб туради. Туркия 1991 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини тан олган биринчи мамлакатдир. Бугун давлат раҳбарлари раислигидаги Стратегик шериклик Олий кенгаши, ташки ишлар вазирлари даражасидаги Қўшма стратегик режалаштириш гуруҳи, шунингдек, парламентларо ҳамкорлик гуруҳлари каби янги механизмларга асос солиниб, ўзаро муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчиси Алишер Аъзамжўаев «Дунё» ААга берган интервьюда мамлакатимизнинг 1993 йил май ойида Анкарада очилган дипломатик ваколатхонаси фаолияти ва ҳар жиҳатдан синовли бўлган 2020 йилда Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлиги қандай ривож топгани хусусида сўзлаб берди.



— Бутун дунё, шу жумладан, мамлакатимиз учун кўп жиҳатдан маънавият бўлган 2020 йил сиз раҳбарлик қилаётган дипломатик ваколатхона фаолиятига қандай таъсир ўтказди? Қийин шароитларда халқро миқёсда Ўзбекистон

манфаатларини илгари суришга қандай эришилмоқда? — Дарҳақиқат, 2020 йил бутун инсоният, шу жумладан, биз, дипломатлар, Ўзбекистоннинг хориждаги вакиллари учун ҳам синовли давр бўлди.



Парламент назорати

29 ТА ЛОЙИҲА ИСТИҚБОЛСИЗ ДЕБ ТОПИЛДИ

СЕНАТОРЛАР БУНИНГ САБАБЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида “2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс иқтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарориди белгиланган вазифалар ижроси бўйича мутасадди вазирлик ҳамда идоралар фаолиятининг таҳлилига бағишланган ййгилиш бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси Борий Алижонов, сенаторлар, Қонунчилик палатаси ва Жўқорғи Кенгес депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларига бириктирилган вазирлик ҳамда идоралар, тижорат банклари мутасаддилари қатнашди.

Қарор асосида ишлаб чи-

қилган дастур ижроси юзасидан парламент назоратини ташкил этиш мақсадида юқори палатанинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси томонидан сенаторлар иштирокида бевосита жойларга чиқиб таҳлилий ўрганишлар ўтказилмоқда. Айни жараёнда фақат назорат тақлифлари эмас, балки тадбиркорлар ва аҳоли фаоллари билан учрашувлар ташкил этилиб, уларнинг муаммоларини жойида ҳал қилиш чоралари ҳам кўриляпти.

Ййгилишда дастурга киритилган қиймати 119 миллиард сўмлик 29 та лойиҳанинг истиқболсиз, деб топилгани тақид остига олинди. Бунинг сабаблари батафсил муҳокама қилинди.



Муносабат

ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ БОЗОР АКТИВЛАРИДАН БИРИГА, ЭНГ ТАЛАБГИР ТОВАРГА АЙЛАНДИ

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси нафақат парламент аъзолари, балки халқимиз, кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олиниб, ўрганилмоқда. У ўзида яқин ва истиқболга мўлжалланган энг муҳим вазифалар, улкан мақсад ва режаларни қамраб олгани билан гоят аҳамиятлидир.

Мурожаатномада илгари сурилган устувор вазифалардан бири, бу — ердан фойдаланиш ҳуқуқларини кафолатлаш ва ерларни бозор активларига айлантириш масаласи бўлди. “Манфаатдорлик ва адолат бўлган жойда, албатта, ўзгариш ва ўсиш бўлади. Бу борада ердан фойдаланиш ҳуқуқларини кафолатлаш ва ерларни бозор ак-

тивларига айлантириш масаласини кўриб чиқиш вақти келди. Шунинг учун Ҳукумат икки ой муддатда ердан фойдаланиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий қийматини белгилаш ва молиявий оборотга киритиш механизмларини жорий қилиш бўйича тақлиф киритсин”, дея алоҳида таъкидлади давлатимиз раҳбари. Бу юртимиз

деҳқонлари, айниқса, пахта-тўқимачилик кластерлари иштирокчиларининг айни дилидаги гап бўлди.

Савол туғилиши, табиий: бу янгилик ер эгаларига нима беради? Уларга қандай қулайлик яратади? Мамлакат иқтисодиёти ва жамиятга-чи?

Дарҳақиқат, ер — давлат мулки. Суғориладиган экин майдонлари эса ҳар қандай мамлакатнинг бойлиги ҳисобланади. Амалиётга киритилаётган янгилик замирида, аввало, ердан самарали фойдаланиш мақсади мужассам эканлиги диққатга сазовор.



ЮРТ ПОСБОНЛАРИ — ЯНГИ ХОНАДОНЛАР ЭГАСИ

14 январь — Ватан Ҳимоячилари кунини арафасида ҳудудларда кўплаб янги объектлар, хусусан, ҳарбийлар оилалари учун шинам тураржойлар фойдаланишга топшириляпти.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида ҳам Мудофаа вазирлиги тизимида фаолият юритаётган ҳарбий хизматчиларга янги хонадонлар қалитлари тантанали равишда топширилди.



Ўзбекистон ва Туркия ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришдан бирдек манфаатдор

Турмуш тарзи ҳамда касб фаолиятидаги мисли кўрилмаган ва тезкор ўзгаришлар зиммаларига юклатилган асосий мақсад — мамлакатимиз манфаатларига хизмат қилишда янги устувор вазифаларни қўйди.

Янги шартларда ижтимоий-сиёсий тадбирлар уларнинг иштирокчилари, оила аъзолари ва яқинлари саломатлигига бевосита хавф туғдира бошлади. Кўпинча ходимларимиз ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида карантинда туришга мажбур бўлди, кимдир вирус юқтириб олди ва касалланди, кимдир коронавирус касаллиги туфайли оила аъзолари ҳамда яқинларидан ажралиб қолди.

Дипломатлар бир-бирлари билан қўл бермасдан, балки тирсак уриб саломлашишни, музокараларни ҳимоя нқибларини олиб боришни ўзлаштирди. Йирик дипломатик тадбирлар биринчи марта юзма-юз эмас, балки виртуал форматда ўтказила бошланди.

Ходимларимиз анъанавий дипломатик функцияларни бажариш билан бир қаторда, консуллик идоралари, аэропортлар, чегара пунктлари, университет ётоқхоналарида туну кун навбатчилик қилди. Туркияда қийин аҳволга тушиб қолган ватандошларга зарур дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш учун гуманитар миссиялар доирасида минтақаларга сафарлар қилди.

Замона талаби билан элчихона ва дипломатларнинг оддий иш тартиби қайта қўриб чиқилди. Дипломатик ваколатхонанинг иш жадвали, йўналишлари, дастури ва фаолият жүргүзювсига тегишли ўзгаришлар киритилди. Элчихона ва Бош консулхона фаолияти кучайтирилган тартибга ўтказилди. Ходимларнинг эпидемиологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси кўрилди. Анкара ва Истанбулда Ўзбекистон фуқароларига ёрдам кўрсатиш бўйича кечаю кундуз ишлайдиган тезкор штаблар фаолияти ташкил этилди.

Бир вақтнинг ўзида аккредитациядан ўтилган меъзон мамлакатлар билан сиёсий-дипломатик ҳамкорлигини таъминлаш бўйича анъанавий вазифалар бажарилди ҳамда юртдошларимизни Ватанга оммавий равишда қайтаришга оид fav-қуллода чора-тадбирлар амалга оширилди. Шунингдек, вирусга қарши курашиш учун зарур “ноу-хау” ва технологиялар олиш, мақсадли гуманитар ёрдам жалб қилишни ташкил этиш, мамлакатимиз аҳолисининг заиф қатламлари, миллий иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соғлиқни сақлаш тизими учун манзилли гуманитар ёрдам ва техник кўмак жалб қилиш бўйича сай-ҳаракатлар бажарилди.

Бундай синовли шартларда чет давлат-

да қийин аҳволга тушиб қолган фуқароларимиз, шунингдек, Ўзбекистон дипломатлари ўзбек халқига хос бўлган энг яхши фазилатларни намойиш қилди. Қийинчиликларни биргаликда енгиб ўтишга интилиди, ватанпарварлик, ўзаро тушуниш, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ёрдам ҳиссини кўрсатди.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу қийин шартларда маънавий, жисмоний ва психологик барқарорликни намойиш этган ватандошларимиз ва касбдошларимизга яна бир бор миннатдорлик билдирмоқчи-

лакатларимиз ва транзит давлатлар ўртасидаги чегаралар ёпишган шартларда амалга оширилди.

— **Сиз фаолият олиб бораётган давлатнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтсангиз. Ҳозирги босқичда икки томонлама муносабатлар қандай ривожланмоқда?**

— Туркия Республикаси дунёда биринчи бўлиб мамлакатимизнинг давлат мустақиллигини тан олган. Суверен Ўзбекистонда очилган хорижий давлатнинг биринчи

Ишончим комилки, келажакда муносабатларимиз қардош халқларимиз фаровонлиги йўлида самарали ривожланиб, мустақамланиб бораверади.

Икки томон ҳам ҳамкорликдан манфаатдор. Иқтисодиётнинг тобора либераллашаётгани, қўлай сармоявий муҳит ва мамлакатимизнинг ривож топаётган бозори Туркияда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ушбу мамлакатнинг ривожланган саноати, транспорт коммуникациялари, денгиз йўллари, қишлоқ ҳўжалиги ва сайёҳлик саноати Ўзбекистон учун ҳам фойдалидир.

— **Ўзбекистон Президенти Олий Мажлиси Мурожаатномасида республикани янада ривожлантириш соҳасида, шу жумладан, ташки сийсатда амалга оширилиши керак бўлган устувор йўналишларни белгилаб берди. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни бажариш бўйича янги йилдаги ишларни қандай режалаштирасиз?**

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва халқимизга навбатдаги Мурожаатномасини тақдим этиш маросимида қатнашиш шарафига муяссар бўлдим. Давлатимиз раҳбари Мурожаатномасида айтилган ҳар бир гоя, ҳар бир ташаббус бизнинг гайратимизга гайрат қўшди, ҳаяжонга солди, Ватан равнақи ҳамда халқимизга хизмат қилиш йўлида самарали фаолият юритиш учун янги устувор йўналишлар ва янги кенгликлар очди.

Мурожаатнома янги кун тартиби, аниқ вазифалар ва мақсадларга эга янги уқларни белгилаб берди. Ўзининг концептуал ҳамда прагматик мазмуни билан мазкур ҳужжат биз учун ўзига хос “Йўл харитаси”, буғунги кун ва истиқбол учун Ҳаракатлар режасига айланди.

Мурожаатномада долзарб вазифалар белгиланиши билан бир қаторда, уларни бажариш йўллари, мақсадларга эришиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган тақлифлар ҳам ўз ифодасини топан.

Биз жорий йил буларнинг барчасига асосланган ҳолда Туркия билан сериқрар ҳамкорликни сезиларли даражада фойлаштириш, мамлакатимизга жалб этилаётган инвестициялар, сайёҳлар оқими ва илгор “ноу-хау”лар ҳажмини сезиларли ошириш ниятимизда. 2021 йил — “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”. Давлат дастури доирасидаги тадбирларга алоҳида эътибор қаратилади. Туркияда фуқароларимиз, айниса, нуфузли университетларда тахсил олаётган ёшларимиз учун қўлай шартлар яратиб беришга қаратилган сай-ҳаракатлар янада кучайтирилади.

«Дунё» АА.

ФАОЛ ИЖОДКОРЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ



Тахририятимизда ҳар йили муаллифларимиз ўртасида танлов ўтказиш яхши анъанага айланган. Унга кўра, йил давомида “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари саҳифаларида чоп этилган энг сара мақолалар танлаб олиниб, уларнинг муаллифлари рағбатлантириб келинади. Бу ўзаро самарали ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилапти.

Халқ сўзи Народное слово ТАНЛОВИ

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарида 2020 йил давомида ҳам турли касб эгаларининг юзлаб мақолалари чоп этилди. Уларнинг ҳар бирида ислохотларнинг бориши, аҳамияти ҳақидаги таассуротлар, фикр-мулоҳазалар ўз ифодасини топанга ахамият қаратилди. Шунингдек, халқимизнинг бой маънавий мероси ҳамда қадриятлари, ҳудудларда амалга оширилаётган бунёдкорликлар, ўзининг ҳалол меҳнати билан юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётган турли касб эгалари, фидойи замондошларимиз сиймосини акс эттиришдек эзгу мақсадларга ургу берилган иноватга олинди.

Танлов ҳайъати томонидан газеталаримиз саҳифаларида эълон қилинган ҳар бир материал атрофича кўриб чиқилди. Уларда, аввало, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта ус-

тувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда уни “Илим, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида ҳаётга изчил татбиқ қилинаётган ислохотларнинг бориши, аҳамияти ҳақидаги таассуротлар, фикр-мулоҳазалар ўз ифодасини топанга ахамият қаратилди. Шунингдек, халқимизнинг бой маънавий мероси ҳамда қадриятлари, ҳудудларда амалга оширилаётган бунёдкорликлар, ўзининг ҳалол меҳнати билан юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётган турли касб эгалари, фидойи замондошларимиз сиймосини акс эттиришдек эзгу мақсадларга ургу берилган иноватга олинди.

Ҳайъат ҳулосасига кўра, Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори, Республика олий таълим кенгаши раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Уктам Умурзоқов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Лейла Сеитова, Олий Мажлис Сенати аъзоси Абдурахим Қариев, академик Машхура Мавлоний, Тошкент давлат иқтисодиёт университети Менежмент кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Нуритдин Йўлдошев, Тошкент халқаро Вестминстер университети ҳузуридаги ЮНЕСКОнинг Билимлар иқтисодиёти кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Турсун Шодиевнинг туркум мақолалари танлов голиби, деб топилиди.

Танлов голиблари тахририятнинг махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

«Халқ сўзи».

Тўхфа

Мамлакатимизда соғлом ва билимли авлодни вояга етказиш, уларнинг етарли даражада таълим-тарбия олишлари учун шарт-шароитлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Мурожаатномасида таъкидланганидек, жорий йилда республикамизда мактабгача таълим қамрови 65 фоизга, 2023 йил охирида эса 75 фоизга етказилиши режалаштирилган. Ушбу мақсадлар учун эса бюджетдан 600 миллиард сўм миқдорда субсидия берилади. Натижада 2 мингта нодавлат боғча ташкил этилиб, мактабгача таълим соҳасида хусусий сектор улуши 25 фоизга етказилади.

ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ БОҒЧАЛАР СОНИ 92 ТАГА ЕТДИ

Айни пайтда ушбу йўналишдаги эзгу ишлар изчил давом эттирилмоқда. Жойларда бирин-кетин мактабгача таълим муассасалари фойдаланишга топширилаётгани шундан далолат.

Пойтахтимизнинг Юнусобод ту-

“Юнус ота” маҳалла фуқаролар йиғини раиси ўринбосари Малика Саидахмедова. — Айни чоғда ҳудудда иккита давлат мактабгача таълим ташкилоти бор, 300 га яқин ўринга эҳтиёж мавжуд эди. Шу маънода, мазкур муассасанинг ишга туширилиши айни муддао бўлди.

Замонавий типда бунёд этилган мактабгача таълим муассасаси 80 нафар кичкин-тойни ўз бағри олади. Маҳсулот ҳо-налар, ётоқхоналар, овқатланиш ҳо-налари бар-манидаги Юнус ота маҳалласида кун кеча “Montesorgi ta’lim” нодавлат таълим муассасаси ўз фаолиятини бошлади.

— Маҳалламизда икки мингга яқин хонандоларда 7 200 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди

часи замонавий мебеллар билан жиҳозланган. Битта гуруҳда 15 нафардан бола таълим-тарбия олади. Бу ерда ўзбек тилидан ташқари, инглиз, рус ва хитой тиллари ўргатилиши баробарида, турли тўғарақлар ҳам ташкил этилган.



ЮРТ ПОСБОНЛАРИ — ЯНГИ ХОНАДОНЛАР ЭГАСИ

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Шимоли-Гарбий ҳарбий округ қўшинлари кўмондони Фарҳоджон Шерматов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари Ерناзар Аташов, ҳарбий хизматчилар оилалари ва жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, Нукус гарнизонидаги Ватанпарвар маҳалласида бунёд этилган 30 хонандондан иборат 5 қаватли, барча қулайликка эга янги уйлар Ватан химоячилари учун байрам тўхфаси бўлди.

Умуман, охириги уч йилда биргина Шимоли-Гарбий ҳарбий округда 400 нафарга яқин ҳарбий хизматчилар учун имтиёзли ипотека кредити асосида 8 та уй қуриб берилди.

— Ўн саккиз йилдан буён Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиб келяпман, — дейди Женисбай

Елмуратов. — Байрам арафасида янги, зарур шарт-шароитларга эга уйнинг хонандонларидан бири оиламизга насиб этди. Кўрсатилётган бундай гамҳўрлик учун гоят мамнуним.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, яқинда Шимоли-Гарбий ҳарбий округ қўшинлари кўмондонлиги Қорақалпоғистон Республикаси Ҳарбий-маъмурий сектори билан ҳамкорликда “Нукус” полигони инфратузилмаси такомиллаштирилиб, фойдаланишга топширилган эди.

Замонавий тураржой бинолари, қисм ва бўлинмаларда бунёд этилаётган ётоқхоналар, барча қулайликка эга ҳарбий шахарчалар Ватан химоячилари ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий химояси таъминланаётганидан далолатдир.

Ғайрат ОТАЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 148. 30 673 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Обфсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқий маълумотларни юзлаб олиш учун QR-қўйишни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



«Халқ сўзи».

Ҳосан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 20.30 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.

Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.